

## VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

### 1 БЎЛИМ. ЧАКАНА САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида Республикада чакана савдо товар айланмаси 135 930,1 млрд. сўмни ёки 2019 йил шу даврига нисбатан 99,8 % ни ташкил қилди. Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 23,6 % га ўсиб, 25 300,5 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 18,6 % ни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 4,4 % га пасайиб, 110 629,6 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 81,4 % ни ташкил қилди.

Асосий таркиб, % да



Ўсиш суръатлари, % да






#### Ўзбекистон Республикасида чакана савдо товар айланмасининг мулкчилик шакли бўйича улуши (2020 йил январь-сентябрь)

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида чакана савдо товар айланмаси таркиби давлат ва нодавлат шакллари бўйича куйидагича ифодаланади:


Давлат мулки 130,2 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 0,1 % ни ташкил қилди.

Нодавлат мулк 135799,9 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 99,9 % ни ташкил қилди.



Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Тошкент шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 22,6 % ни ташкил этди, Тошкент вилояти 10,8 %, Фарғона вилояти 8,2 %, Андижон вилояти 7,5 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилояти 1,9 %, Навоий вилояти 3,7 % ва Қорақалпоғистон Республикаси 3,8 % улуш билан энг паст кўрсаткичларни қайд этди.

**Худудларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши**  
(% ҳисобида)



2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмасида ўсиш суръати 123,6 % ни ташкил этди. Ўз навбатида 2019 йилнинг шу даврига нисбатан Қашқадарё (247,5 % га), Тошкент (185,0 % га) ва Самарқанд (176,4 % га) вилоятларида юқори ўсиш кузатилди.

Республика чакана савдо товар айланмасида энг юқори улушни Тошкент шаҳри 22,6 % улуш билан 30 703,1 млрд.сўмни ташкил этди. Шунингдек, республика чакана савдо товар айланмасида энг қуйи улушни Сирдарё вилояти 1,9 % улуш билан 2 561,4 млрд.сўмни ташкил этди.

Жами чакана савдо товар айланмасида Жиззах, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида савдо ҳажмининг ўсиш сураътлари кузатилди.

### Чакана савдо товар айланмаси

(2020 йил январь-сентябрь, умумий овқатланишни қўшган ҳолда)

	Жами		Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2019 йилнинг шу давирга нисбатан % да	минг сўм	2019 йилнинг шу давирга нисбатан % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>135 930,1</b>	<b>99,8</b>	<b>3 981,1</b>	<b>97,9</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	5 144,9	98,1	2 697,6	96,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	10 201,5	98,0	3 238,7	96,1
Бухоро	8 308,5	99,9	4 300,9	98,6
Жиззах	5 225,2	100,1	3 752,1	98,0
Қашқадарё	9 058,5	97,3	2 745,7	95,5
Навоий	5 058,9	102,4	5 042,7	100,6
Наманган	8 021,5	94,4	2 832,9	92,4
Самарқанд	11 532,5	102,9	2 954,8	100,9
Сурхондарё	8 538,6	92,3	3 224,3	90,3
Сирдарё	2 561,4	96,6	3 007,7	94,8
Тошкент	14 624,0	103,9	4 940,7	102,3
Фарғона	11 083,9	96,7	2 934,3	94,9
Хоразм	5 867,6	91,9	3 128,9	90,4
Тошкент ш.	30 703,1	104,1	11 749,7	100,8

Чакана савдо товар айланмаси (овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига 1,2 % га пасайиб, 3 981,1 минг сўмни ташкил этди (2019 йилнинг шу даврида 3 569,8 минг сўм). Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичларини Тошкент шаҳри (11 749,7 минг сўм), Токент вилояти (4 940,7 минг сўм) ва Бухоро вилояти (4 300,9 минг сўм) энг паст кўрсаткични Қорақалпоғистон Республикаси (2 697,6 минг сўм), Қашқадарё вилояти (2 745,7 минг сўм) ва Наманган вилояти (2 832,9 минг сўм) қайд этди.

**2020 йил январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига  
чакана савдо товар айланмаси, (минг сўм)**




2020 йилнинг январь-сентябрь ойлари ҳолатига кўра ўртача аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси 3 981,1 минг сўмни (2019 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 2,1 % га камайди) ташкил этди.

Ушбу кўрсаткични ҳудудлар кесимида солиштирилганда энг юқориси Тошкент шаҳри (11 749,7 минг сўм), Навоий (5 042,7 минг сўм) ва Тошкент (4 940,7 минг сўм) вилоятлар ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, умумий овқатланиш ташкилотларининг товар айланмасида йирик корхоналар улуши 16,6 фоизни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича энг юқори улуш Тошкент ш. (44,4 %) Тошкент вилояти (9,5 %), ва Бухоро (6,7 %) вилоятларига тўғри келмоқда.

**Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар,  
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши, % да  
(2020 йил январь-сентябрь)**




Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари

Йирик корхоналар

**Умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси**

2020 йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 2,4 фоизни ташкил этиб, 3 308,7 млрд. сўмга етди ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан эса 12,8 фоизга камайди. Бунда жами савдо айланмасининг 83,4 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Худудлар кесимида умумий овқатланиш корхоналари савдо айланмаси ўсиш суръатлари, % да**




Умумий овқатланиш корхоналарида  
савдо айланмаси, % да




Ўсиш (ўзгариш) суръатлари, % да



Савдо айланмаси ҳажми ва улуши



Энг юқори улушга  
эга ҳудудлар, % да



Умумий овқатланиш корхоналарида савдо айланмасининг нисбатан юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрига (республиканинг жами товар айланмасининг 44,4 % и) тўғри келмоқда. Нисбатан юқори ҳажм Тошкент (9,5 %) ва Бухоро (6,7 %), Самарқанд (6,4 %) вилоятларида кузатилди.

## 2 БЎЛИМ. УЛГУРЖИ САВДО АЙЛАНМАСИ

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида улгуржи савдо товар айланмаси 74 603,5 млрд. сўм ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 % га камайди. Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 22,6 % га ўсиши кузатилиб, ҳажми 23 085,7 млрд. сўмни ва жами улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши 30,9 % ни ташкил этганини кўриш мумкин.

Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатига эришган бўлсада, айрим ҳудудларда товар айланмасининг камайиши кузатилди. Хусусан, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридан бошқа барча ҳудудларда пасайиш кузатилган.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг улгуржи савдо товар айланмаси ўтган даврга нисбатан 11,0 % га пасайиши кузатилиб, 51 517,8 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши эса 69,1 % ни ташкил қилди.

Улгуржи савдо товар айланмаси  
(2020 йил январь-сентябрь)

	Жами, млрд. сўм	Жамига нисбатан, % да	2019 йилнинг шу даврига нисбатан % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>74 603,5</b>	<b>100,0</b>	<b>97,2</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 315,8	1,8	89,8
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	2 029,2	2,7	97,9
Бухоро	2 241,8	3,0	80,5
Жиззах	1 367,0	1,8	73,7
Қашқадарё	1 770,2	2,4	75,0
Навоий	1 143,1	1,5	65,2
Наманган	2 420,5	3,2	96,2
Самарқанд	5 049,0	6,8	98,5
Сурхондарё	1 887,8	2,5	93,0
Сирдарё	1 448,9	1,9	83,6
Тошкент	6 221,0	8,3	85,7
Фарғона	4 380,5	5,9	82,6
Хоразм	1 667,5	2,2	96,1
Тошкент ш.	41 661,3	55,8	105,4

Худудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми

(2020 йил январь-сентябрь)

	Жами (млрд. сўм)	2019 йилнинг шу даврига нисбатан % да	Йирик корхона- лар (млрд. сўм)	2019 йилнинг шу даврига нисбатан % да	Микрофир- ма ва кичик корхона- лар (млрд. сўм)	2019 йилнинг шу даврига нисбатан % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>74 603,5</b>	<b>97,2</b>	<b>23 085,7</b>	<b>122,6</b>	<b>51 517,8</b>	<b>89,0</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 315,8	89,8	496,2	80,9	819,6	96,3
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	2 029,2	97,9	930,0	130,8	1 099,2	80,7
Бухоро	2 241,8	80,5	505,8	79,6	1 736,0	80,7
Жиззах	1 367,0	73,7	284,4	36,9	1 082,7	99,8
Қашқадарё	1 770,2	75,0	394,1	45,9	1 376,1	91,6
Навоий	1 143,1	65,2	366,5	38,5	776,6	96,9
Наманган	2 420,5	96,2	570,2	62,2	1 850,3	115,6
Самарқанд	5 049,0	98,5	1 432,3	131,7	3 616,7	89,5
Сурхондарё	1 887,8	93,0	710,7	112,8	1 177,1	84,1
Сирдарё	1 448,9	83,6	221,9	52,2	1 227,0	93,9
Тошкент	6 221,0	85,7	2 512,7	82,8	3 708,3	87,7
Фарғона	4 380,5	82,6	551,6	62,3	3 828,9	86,7
Хоразм	1 667,5	96,1	559,1	93,7	1 108,4	97,4
Тошкент ш.	41 661,3	105,4	13 550,4	198,7	28 110,9	85,9



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Чакана савдо** – савдо соҳасида якуний истеъмол учун аҳолига товарларни доналаб ёки кўп бўлмаган миқдорларда нақд пулга сотишни назарда туғувчи фаолият, яъни товарларни фойдаланиш соҳасидан шахсий ёки умумий истеъмол соҳасига ўтган вақтдаги ҳаракатининг якуний босқичини ифодалайди.

**Чакана товар айланмаси** – товарларни сотиш тармоқларидан қатъий назар, аҳолига истеъмол товарларини нақд ҳисоб-китоб асосида ёки пластик карточкалари, кредит карточкалари, банкларнинг ҳисоб чеклари орқали (бу ҳам нақд ҳисоб-китоб асосида сотиш каби ҳисобга олинади) сотилган қиймати.

**Умумий овқатланиш** – юридик шахслар томонидан пазандачилик маҳсулотларини тайёрлашга, сотишга ва истеъмолини ташкил қилишга ихтисослаштирилган фаолиятни амалга ошириш.

**Умумовқатланиш айланмаси** жойида аҳолига истеъмол учун, шунингдек, турли контингентдаги аҳолини овқатланишини ташкил қилиш учун ташкилот ва яқка тадбиркорларга ўзи ишлаб чиқарган кулинария маҳсулотларини (таом, кулинария маҳсулотлари ва яримфабрикатлар), шунингдек, кулинария ишловисиз сотиб олинган товарларни (унли, қандолатли ва нон маҳсулотлари) сотишдан тушган тушумни ифодалайди.

**Товар захиралари** – чакана савдо корхоналари балансида турган ва келгусида сотиш учун мўлжалланган товарлар қолдиғи.

**Товар айланмасининг товар тузилмаси** – умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гуруҳлари ўртасидаги нисбат, яъни товар айланмаси таркиби.

**Улгуржи савдо** - тижорат мақсадларида ёки ўзининг ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжларига фойдаланиш учун, харид қилинган товарларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакли бўйича сотиш.

**Истеъмол товарлари** – якуний истеъмолга (оилавий ёки шахсий) қаратилган, бевосита инсон эҳтиёжини қондирадиган товарлар ва хизматлар.

**Техник-ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар** – ишлаб чиқариш истеъмоли учун мўлжалланган маҳсулот: хом ашё, материаллар, ёқилғи, бутловчи инструментлар, машиналар, эҳтиёт қисмлар, яримфабрикатлар ва бошқаларни ўз ичига олади.

**Улгуржи савдо товар айланмаси** – тузилган шартномалар бўйича тижорат мақсадларида (келажакда қайта ишлаш ёки сотиш) ёки ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклида товарлар сотишдан тушумни ифодалайди.

**Товар захиралари** – товар муомаласи доирасида бўлган товарлар ёки улгуржи корхоналар балансида турган ва келгусида сотишга мўлжалланган товарлар қолдиғи.

**Товар айланмасининг товар тузилиши** – товар айланмаси таркиби, умумий савдода нисбий кўрсаткич – жамига нисбатан фоиз ҳисобидаги солиштирма оғирлик (улуш) ёрдамида акс этадиган, умумий товар айланмаси ҳажмидаги алоҳида товар ва товар гуруҳлари ўртасидаги нисбат.